

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

_____ А.Умаров

202 _____ йил “—” _____

“КЕЛИШИЛДИ”

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

202 _____ йил “—” _____

Рўйхатга олинди: № БД-5111100 – 2.08

202 _____ йил “—” _____

**МАКТАБГАЧА МУСИҚИЙ-ЭСТЕТИК ТАЪЛИМ
НАЗАРИЯСИ ВА МЕТОДИКАСИ**

ФАН ДАСТУРИ

Билим соҳаси:

100000 – Гуманитар

Таълим соҳаси:

110000 – Педагогика

Таълим йўналиши:

5111100 – Мусиқа таълими

Фан/модуль коди МЕТМ2004	Ўқув йили 2020-2021	Семестр 3	ECTS - Кредитлар 6	
Фан/модуль тури Мажбурий		Таълим тили Ўзбек		Хафтадаги дарс соатлари 6
1.	Фаннинг номи	Аудитория машғулотлари (соат)	Мустақил таълим (соат)	Жами юклама (соат)
	Мактабгача мусиқий-эстетик назарияси ва методикаси	90	90	180
2.	<p>I. Фаннинг мазмуни</p> <p>Фанни ўқитишдан мақсад – Мактабгача таълим муассасаларда мусиқа таълими ва тарбиясининг асосий мақсади бўйича йўналишидан бошлаб болаларнинг дунёқарашини шакиллантириш ҳамда мусиқа дидини ўстириш, болаларга мусиқани ўргатиш жараёнида унда хаёт ўз аксини топишини англашдир.</p> <p>Фаннинг вазифаси – кичкинтойларнинг мусиқий ўқув ва қобилияtlари фаолиятлардан иборат:</p> <ul style="list-style-type: none"> - мусиқий уқуви (мусиқий товушлар баланд-пастлигини хис этиш қобилияти) - тембр уқуви (мусиқий товушларни бир биридан фарқлаиш) - ритм туйғуси (мусиқага мос харакатлар бажариш, қадам ташлаш, чапак чалиш, мусиқани хотирада сақлаб хис этиш ва ифодалаш.) - кичкинтойларни мусиқага бўлган қизиқишини ошириш; - мусиқий асарлар билан таништириш жараёнида болаларда эмотсионал хис-туйғуларини хосил қилиш йўли билан уларнинг мусиқа хақидаги тасаввурларини бойитиши. - болаларни мусиқа тинглаш, қўшиқ куйлаш, мусиқа асосида ритмик харакатларни бажариш, болалар чолғу асбобларида жўр бўлиш фаолиятлари ёрдамида ижодий қобилияtlарини шакиллантириб бориш. - болалар овозини асраш тарбиялаш, қўшиқларни содда, равон эркин, табиий ва ифодали куйлашга ўргатиш ва одатлантириш. - мусиқий асарлардан завқ олиш, шу асосида мусиқий дид ва бадиий фикр юритишни ривожлантириш; - мусиқий машғулотлари жараёнида мусиқий асардаги бадиий ўйин ва рақс шаклида ифода этишга ўргатиш. - мусиқа машғулотларида болаларни миллий қадриятларимиз 			

билан таништириш, миллий чолғу созларимиз жүрлигіда миллий-ритмик ҳаракатларни бажаришга үргатиши;

- мусиқа машғулотлари мазмунини МТТ билан боғлаш, да үтказилған тадбирларда үрганилған күй ва қўшиқлар билан иштирок этиши. Турли эртаклар, концертлар ташкил этиши.

II. Асосий назарий қисм (маъруза машғулотлари)

II.I. Фан таркибиға қуйидаги мавзулар киради:

1-мавзу. Мактабгача таълим ташкилотларида мусиқа машғулотларнинг мақсад ва вазифалари

Мактабгача таълим тизими соҳасидаги ислоҳотлар, ўсиб келаётган ёш авлоднинг маънавияти ва интеллекти шаклланишида мусиқанинг роли ортиб бориши баробарида, таълим соҳасининг инсонпарварлашуви жараёни мусиқа раҳбари - педагогнинг касбий компетентлигига нисбатан янги вазифаларни қўймоқда. Мазкур соҳадаги мутахассис мусиқа худди ҳаётга муҳаббатли бўлиш сингари болада ватанпарварлик, инсонпарварлик туйғуларини тарбиялай олишни билиши лозим.

2-мавзу. Ўзбекистон Республикасининг илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талабларининг мазмуни ва моҳияти

Ўзбекистон Республикасининг илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган Давлат талабларининг мақсад, вазифалари, тамойиллари, бобларининг мазмун ва моҳиятини ёритиши.

Боланинг индивидуал эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ҳар бир болага мослашувчан бўлиб, индивидуал вариативлик асосида ёндашиш, бола таълими ва ривожланишида катталарнинг асосий роли каби давлат талаблари вазифаларининг моҳиятини ёритиб бериш.

3-мавзу. Мактабгача ёшдаги болаларга таълим беришда компетенциявий ёндашув

Мактабгача ёшидаги болаларга таълим беришдаги компетенциявий ёндашувда ўсиб бораётган бола шахсини ҳаётга тайёрлаш ҳаётий муҳим масалаларни ҳал қилиш учун зарур бўлган ахлоқий меъёр ва қадриятларни ўзлаштиришни ўзига сингдириш, бошқа инсонлар билан мулоқотга киришишда ўзининг “Мен”ини яратиш билан боғлиқ бўлган фаолият усуллари шакллантиришга тайёргарлик назарда тутилади, таълим-тарбиявий фаолиятнинг асосий мазмуни ифодаланган, шунингдек болани таълимнинг кейинги босқичига ўтишдаги асосий компетенциялар ҳақида кўнимка ва малакага эга бўладилар

4-мавзу. Мактабгача таълим ташкилотларида мусиқа машғулотларида қўйланадиган фаолиятлар ва уларнинг турлари

Мусиқа машғулотлар ҳафтасига икки марта ўтказилади. Унда гурухнинг барча болалари иштирок этади. Мусиқа машғулотлари – мусиқа тинглаш, қўшиқ ўргатиш, мусиқий – ритмик ҳаракатлар бажариш, рақсга тушиш, мусиқий – дидактик ўйинлар, болалар чолғу асбобларида чалишга ўргатиш ва мусиқага оид маълумотларни қамраб олади. Ҳар бир машғулотдан машғулотга сайин болаларга мусиқавий таълим-тарбия беришнинг қайсиdir вазифаси ҳал этиб борилади. Мусиқа раҳбари ушбу ишда раҳбарлик қиласи, тўғри йўл кўрсатиб, маслаҳат ва тавсияларини бериб боради. Болаларни билим ва малакаларига қўйиладиган талаблар ҳар бир гурух учун фаолият турига қараб тузилади.

5-мавзу. Болалар мусиқий фаолиятнинг мазмуни

Мусиқа машғулотларини ўтказиш методикаси фанидан таълим мазмунининг минимал ҳажми. Тарбияланувчиларнинг мусиқа машғулотларида эгаллаши лозим бўлган компетенциялари. Мусиқа машғулотлари таълими дастури мазмуни, моҳияти ва таҳлили. Машғулотлар таҳлили. «Илк қадам» мактабгача таълим ташкилотлари учун ишлаб чиқилган ўқув дастур – давлат ҳужжати бўлиб, мусиқа раҳбарини таълимий тарбиявий иши, болаларни баркамол тарбиялаб мактаб таълимига тайёрлашини назарда тутади.

6-мавзу. Болаларни эшитув қобилияти (слух) ва овозини ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари қўшиқ куйлаш фаолияти

Қўшиқ-боланинг мусиқа оламига олиб кирувчи илк мусиқий шаклдир. Қўшиқ инсоннинг психоэмоционал мувозанатга келтирувчи бир восита эканлигини она алласини тинглаб, тинчланувчи ва осуда уйқуга кетувчи гўдакни кузата туриб тўлиқ ишонч билан айтишимиз мумкин. Мусика тинглаш, мусиқа машғулотларининг асосий омили ҳисобланади, чунки мусиқанинг янграши онгли равишда идрок этилиб, унинг характеристи, мазмуни онгли равишда ўзлаштирилади.

7-мавзу. Мактабгача ёшдаги болаларда қўшиқчилик кўникмаларини тарбиялаш

Қўшиқ куйлаш – болаларга кўтариинки кайфият бағишлиайди. У болаларни нафақат руҳий балки жисмоний жиҳатдан ривожлантиради. Чунки бола куйлаётгандага оғиз, бурун, нафас йўллари, кўкрак қафаси, умуман олганда барча аъзолари фаолият олиб боради. Бола куйлаш

жараёнида тик гавдасини эркин ва тўғри ўтириши талаб этилади. Куйлаш жараёнида нафас йўллари ҳам ривожланади.

8-мавзу. Мусиқа машғулотида мусиқий ритмик ҳаракатлар фаолияти

Мусиқа асарларининг қисмлар ўзгаришига мос ҳаракатларни ўзгартириш, марш, қўшиқ, рақс куйларига мос ҳаракатларни мустақил бажариш, бошловчининг кетидан мусиқага мос юриш, югуриш ва сакраш. Рақс ҳаракатларини мустақил равишда аниқ бажариш, қўл ҳаракатларини эркин ва майин бажаришга ўргатиш.

9-мавзу. Болалар чолғулари билан таништириш ва уларда чалишга ўргатиш

Болалар чолғуларида жўр булиш. Бу фаолият тури энг қизиқарли машғулотdir, чунки болалар чолғулари жонли, товушли ўйинчоклар сифатида ҳар бир тарбияланувчиларни қизиқтиради. Болалар чолғулари биринчи навбатда болаларда ижролик элементлари оркали ижодкорлик, мусиқий ўкув қобилияtlарини ривожлантиради. Мусиқа машғулотларида болалар чолғуларидан фойдаланиш яхши натижалар бериш билан бирга болаларни машғулотга интилувчанлигини, қизиқишини, мусиқий саводини оширади.

10-мавзу. Мусиқий дидактик ўйинлар

Мусиқий дидактик ўйинлар болаларнинг мусиқавий-сенсор қобилиятини ривожлантиради ва мустақил фаолиятига ҳам қўшилади. Мусиқий дидактик ўйинлар мусиқа машғулотларда ва болаларнинг бўш вақтларида ўтказиб ўйналади. Болаларнинг мустақил ўйинларида мусиқали дидактик ўйинлар уларни қўшиқ айтишга, рақс тушишига, болалар чолғуларини чалишга бўлган қизиқишлирини кучайтиради ва ижод қилишга ундейди

11-мавзу. Мусиқа машғулотларда педагогик ҳамкорликни ташкил этиш

Мусиқа машғулотларини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари, мусиқий тарбия ишларини олиб борища ота-она, психолог, тарбиячилар, жисмоний тарбия йўриқчиси ва бошқа мутахассислар билан ҳамкорлик ишлари.

12-мавзу. Мактабгача ёшдаги болаларни куғирчоқ театр билан таништириш

Театр фаолиятида болаларнинг бадиий ва ижодий қобилияtlарини ривожлантириш. Амалий машқларнинг мазмуни. Мактабгача ёшдаги болаларининг мусиқий ва театр фаолиятини режалаштириш. Мактабгача таълим муассасаларида болаларнинг ижодий фаолиятини ташкил этиш.

13-мавзу.Мактабгача ёшдаги болаларни халқ ғольклор ижрочилик намуналари билан таништириш

Фольклор асарларини бола туғилганиданоқ алла орқали ҳис қиласи. Инсон умрининг тўрт даври йилнинг тўрт фаслига безатилганидек, болалик даври ўз таровати, ўз муҳри билан алоҳида хусусиятга эга. Бу хусусият, айниқса, болалар қўшиқлари, ўйинларида кўзга ташланади.

14-мавзу. Мусиқа машғулотларида қўлланадиган усул ва услублар

Мусиқа машғулотлар методикаси - бу педагогиканинг бир қисми ҳисобланиб, педагогика фани сифатида тажрибада синалган ишларни назарий қисмларини -усул, услуг, воситаларини умумлаштириб, амалиётда самарали натижалар берган ўқитиш методларини тақдим этади. Ушбу методлар ўқув-тарбиявий жараённинг тузилишини умумлаштириб, унга кирувчи алоҳида ва бир бутун вазифаларни ҳал этиш билан шуғулланади.

15- мавзу. Мусиқа машғулотларида интеграллашган машғулотларни ташкил этиш методикаси

Интеграциялашган мусиқа машғулотларида фанлараро алоқалардан мақсадли фойдаланиш болаларнинг ижодий қобилияtlарини ривожлантириша улкан имкониятлар яратади. Яна шуни таъкидлаш керакки, дунё таълим-тарбия амалиётида интегратсиялашган машғулотларда фанлараро алоқалардан мақсадли фойдаланиш жуда кенг ёйилган. Табиий тарзда ҳар бир педагог ўз хусусий методикасини ишлаб чиқиши асносида интегратсиялашган машғулотларга кичик бўлса ҳам қандайдир янгилик киритишга ҳаракат қиласи. Болаларнинг ижодий қобилияtlарини шакллантириш ва ўстиришда мусиқа, тасвирий санъат, нутқ ўстириш, театрлаштириш, жисмоний тарбия фаолиятларини интеграциялаш қўл келади

16- мавзу. Мусиқа машғулотлар режасида байрам тадбирлари сценарийсини ишлаб чиқиши ва ўтказишга қўйиладиган талаблар.

Байрам эрталиклари сценарийлари ўз ичига турли қўринишдаги фаолиятларни олади. Бунда болалар қўшиқ айтадилар, рақсга тушадилар, шеърлар ёдлайдилар, болалар чолғулари оркестрида ёки якка тарзда чаладилар. Барча ёшдаги болалар билан ўтказиладиган байрам эрталикларида мусиқавий – дидактик ўйинларни ўтказиш мумкин. Бу ўйинлар машғулотлар ва бўш вақтларда ўтказилганлиги сабабли болаларга яхши танишдир. Шунинг учун ҳам уларга янгича

кўриниш ва шакл бериб, байрамона безатилган ҳолда ташкил этилиши лозим. Эрталикда шунингдек янги, болаларга таниш бўлмаган ўйинни ҳам ўтказиш мумкин.

17- мавзу. Мусиқа машғулотларида тарбияланувчиларнинг ижодкорлик қобилиятини ривожлантириш ва диагностик таҳлил қилиш

Мактабгача ёшдаги болаларнинг мусиқий қобилиятини диагностика қилиш мақсади боланинг мусиқийлигини ўрганиш, унинг индивидуал тузилишини ўрганиш билан боғлиқ. Диагностик натижалар мусиқа раҳбарига боланинг индивидуал ривожланиш мантиқида, унинг мусиқий қобилиятини барқамол ривожлантиришга имкон беради

18-мавзу. Гурухларда мусиқий бурчакларни ташкил этиш ва унинг фаолиятини ташкил этишда мусиқа раҳбарлари ва мусиқа раҳбарининг ўрни.

Мусиканинг бола шахсининг шаклланишидаги ривожланишига таъсири замонавий педагоглар ва психологлар томонидан таъкидлари, куйлаш, рақсга тушиш, мусиқа тинглаш чолғуларда ижро этиш боланинг ақлий қобилиятини ривожлантириши, бадиий маданият асосларини яратиши ва гўзаллик туйғусини шакллантириш, гурухнинг мусиқий бурчак муҳитида болаларнинг мусиқий қобилияти ва мустақил фаолиятини муваффақиятли ривожлантириш учун мусиқа раҳбари томонидан мусиқий бурчак ташкил қилинишига оид маълумотлар баён этилган.

19-мавзу. Мавзу асосида мусиқа машғулотларининг методик таъминоти, улардан ва ахборот компьютер технологиялардан машғулот жараёнида фойдаланиш.

Мусиқа машғулотларда компьютер дастурларидан фойдаланиш маҳоратини шакллантириш XXI аср юқори компьютер технологиялари асидир. Ҳозирги замон ёш авлоди электрон маданият оламида яшамоқда. Мусиқа машғулотларда замонавий ва компьютер технологияларини фойдаланиш, аудио-визуал жиҳозлар ва электрон нота муҳаррирлар ёрдамида мусиқа санъати фанларини ўзлаштириш самарасиwaМусиқий тарбияда компьютер имкониятлари хакида сўз боради.

20-мавзу. Мусиқий таълим тарбия жараёнида хорижий тажрибаларни ўрганиш ва амалиётга татбиқ этиш.

Мусиқа асарида куйнинг аҳамияти. Куй ҳаракати турлари. Куй тузилиши ва таркибий қисмлари ҳақида. Мусиқадаги куй безаклари.

Ижрочилик услубларининг ёзма белгилари.

III. Амалий машғулотлари буйича қўрсатма ва тавсиялар
(Лаборатория ишлари), (Семинар машғулотлари), (Курс иши),
(Мустақил таълим) ўқув режасада қўрсатилган тури (номи) бўйича
ёзилади

Амалий машғулотлар учун қўйидаги мавзулар тавсия этилади:

1. Мусиқий тарбиянинг аҳамияти.
2. Мусиқий тарбиянинг вазифалари
3. Мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларининг ёш психологик хусусиятлари.
4. Кичик груп болаларига мусиқа тинглашни ўргатиш методикаси
5. Ўрта груп болаларига мусиқа тинглашни ўргатиш методикаси
6. Катта груп болаларига мусиқа тинглашни ўргатиш методикаси
7. Мактабга тайёрловгурӯх болаларига мусиқа тинглашни ўргатиш методикаси
8. Куйлашнинг аҳамияти. Болаларнинг эшлиши ва овоз хусусиятлари.
9. Кичик ёшдаги болаларга жамоа бўлиб куйлашга ўргатиш методикаси
10. Ўрта груп болаларига куйлашга ўргатиш методикаси.
11. Катта ва тайёрлов гурӯхларига куйлашга ўргатиш методикаси.
12. Мусиқа ритмик харакатларини ўргатиш методлари ва усуллари.
13. Мактабгача ёшдаги болаларда рақс кўникмасини шаклантириш
14. Ўзбек халқ чонғулар билан тарбияланувчиларни таништириш ва уларда чалишга ўргатиш (гурӯхлар кесмида).
15. Мусиқий дидактик ўйинлар.
16. 5-7 ёшли болалар учун мусиқий-дидактик ўйин ишлаб чиқиши
17. Мусиқа машғулотларида интеграллашган машғулотларни ташкил этиши методикаси.
18. Мактабгача таълим ташкилотларида тарбиячи ва мусуқа раҳбари ҳамкорликда ишлаш.
19. Мактабгача таълим муассасаси ва оила ҳамкорлиги болалар ижодий қобилиятларини ривожлантиришнинг муҳим омили сифатида
20. Мактабгача таълим ташкилотларида болалар билан индивидуал

ишлиш.

21. Мусиқа машғулотларида тарбияланувчиларнинг ижодкорлик қобилиятини лойиҳалаштириш ва уларнинг ривожланишини диагностик таҳлил қилиш.

22. Ривожланиш марказларини ташкил этиш ва раҳбарлик қилиш

23. Мактабгача таълим муассасаларида кўнгил очиш соатларида кўғирчоқ театрларини ташкил этиш (гурухлар кесмида)

24. Мусиқа машғулотлари ва замонавий инновацион технологиялар Амалий машғулотлар мультимедиа курулмалари билан жиҳозланган аудиторияда бир академик гурухга бир профессор-ўқитувчи томонидан ўтказилиши зарур. Машғулотлар фаол ва интерфактив усуллар ёрдамида ўтилиши, мос равишда муносиб педагогик ва ахборот технологиялар қўлланилиши мақсадга мувофиқ.

IV. Мустақил таълим ва мустақил ишлар

Мустақил таълим учун тавсия этиладиган мавзулар:

1. Мактабгача таълим ташкилотларида мусиқа машғулотларнинг мақсад ва вазифалари .

2. Ўзбекистон Республикасининг илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талабарининг мазмуни ва моҳияти.

3. Мактабгача ёшдаги болаларга таълим беришда компетенциявий ёндашув.

4. Мактабгача таълим ташкилотларида мусиқа машғулотларида қўлланадиган фаолиятлар ва уларнинг турлари.

5. Болалар мусиқий фаолиятнинг мазмуни.

6. Мусиқа машғулотларида қўлланадиган усул ва услублар.

7. Мусиқа машғулотларида интеграллашган машғу-лотларни ташкил этиш методикаси.

8. Мусиқа машғулотлар режасида байрам тадбирлари стсенарийсини ишлаб чиқиши ва ўтказишга қўйиладиган талаблар.

9. Гурухларда мусиқий бурчакларни ташкил этиш ва унинг фаолиятини ташкил этишда мусиқа раҳбарлари ва мусиқа раҳбарининг ўрни.

10. Мавзу асосида мусиқа машғулотларининг методик таъминоти, улардан ва ахборот компьютер технологиялардан машғулот жараёнида фойдаланиш.

11. Мусиқий таълим тарбия жараёнида хорижий тажрибаларни

	<p>ўрганиш ва амалиётга татбиқ этиш.</p> <p>12. Мусиқий тарбия аҳамияти.</p> <p>13.Мусиқий тарбия вазифалари</p> <p>14.Мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларининг ёш психологик хусусиятлари.</p> <p>15.Бола эшитув қобилияти (слух) ва овозини ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари.</p> <p>16.Мактабгача ёшдаги болаларда қўшиқчилиги кўникмаларини тарбиялаш.</p> <p>17.Мусиқий ритмик фаолият.</p> <p>18.Ўзбек халқ ҷолғулар билан тарбияланувчиларни таништириш ва уларда чалишга ўргатиш (гурухлар кесмида).</p> <p>19.Мусиқий дидактик ўйинлар.</p> <p>20.Мусиқа машғулотларида интеграллашган машғулотларни ташкил этиш методикаси.</p> <p>21.Мактабгача таълим муассасаларида тарбиячи ва мусуқа раҳбари хамкорликда ишлаш.</p> <p>22.Мактабгача таълим муассасаларида болалар билан индивидуал ишлаш.</p> <p>23.Мусиқа машғулотларида тарбияланувчиларнинг ижодкорлик қобилиятини лойиҳалаштириш ва уларнинг ривожланишини диагностик таҳлил қилиш.</p> <p>24.Мактабгача таълим муассасаларида кўнгил очиш соатларида кўғирчоқ театрларини ташкил этиш (гурухлар кесмида).</p> <p>Мустақил ўзлаштирилган маъруза машғулотлари учун талабалар белгиланган мазулар бўйича реферат тайёрлайдилар. Реферат 10-15 бетдан иборат бўлиб, унда танланган мавзу тўла ёритилиб берилади.</p>
3.	<p>V. Фан ўқитилишининг натижалари (шаклланадиган компетенциялар)</p> <p>Фанни ўзлаштириш натижасида талаба:</p> <ul style="list-style-type: none"> умумий мусиқий таълим ва тарбия назария ва методикасини; мусиқий таълимдаги замонавий технология ва методларни; мусиқий таълим ва тарбияни ривожланишида замонавий, илмий, методик ишланмаларни тайёрлашни; тараққий этган мамлакатлар таълим тизимини ;шахс маданияти тўғрисида тасаввурга эга бўлиш; мусиқий таълим бўйича ўқув тарбиявий ишларни режалаштиришни; замонавий мусиқий педагогик принцисплар бўйича мусиқа

	<p>маданияти дарсларини режалаштиришни ва олиб боришни; амалиётда мусиқа педагогик технология методларини қўллаш усулларини ҳақида <i>тасаввур ва билимга эга бўлиши;</i></p> <ul style="list-style-type: none"> • мусиқа маданияти дарс мазмунининг синфдан ташқари машғулотларда амалий мақсад ва вазифаларини сингдириб бориш; атоқли композиторларнинг ижодини, ижодий нафосатни, асосий асарларини ўрганиш; асарлардан айрим парчаларни ижро эта олиш ва асарни тинглаб тахлил эта олиш; касбий фаолият билан боғлиқ бўлган тегишли ахборотларни мустақил танлаш ва амалиётга жорий этиш мусиқа дарсларининг барча шаклларини амалда қўллаш; мусиқий педагогик иш фаолиятида умумий, касбий маҳсус билим малака, <i>кўниқмаларига эга бўлиши;</i> • ҳар бир гурухларда тарбияланувчиларнинг ёшига мос равища мусиқа ўқитиши методларини ва усулларини танлаш; тарбияланувчиларнинг билими ва ижрочилик малакаларини баҳолаш; мусиқа машғулотларида тарбиявий ишларни олиб бориш; мусиқа ўқитиши назарияси ва методика тушунчасининг моҳияти; дидактика ва мусиқа ўқитишининг ўзига хос хусусиятлари; мактабгача таълим мусиқа таълими мазмуни, мусиқа ўқитиши принциплари; мусиқа ўқитиши методлари; мусиқий асарларни ўқиши ва ижро этиши методлари; мусиқа ўқитишининг замонавий технологиялари; мусиқа тарбиячиси шахсига қўйиладиган талаблар; жамоа бўлиб куйлашни ўргатиш методлари; мусиқий ритмик фаолият; тарбияланувчиларда ижрочилик ва ижодкорлик малакаларини ривожлантириш; мусиқий тарбия асосларини билиши, малака ҳосил қилиши ва амалда қўллаш <i>малакасига эга бўлиши керак.</i>
4.	<p>VI. Таълим технологиялари ва методлари:</p> <ul style="list-style-type: none"> • маъruzalар; • интерфаол кейс-стадилар; • гурухларда ишлаш; • тақдимотларни қилиш; • индивидуал лойиҳалар; • жамоа бўлиб ишлаш ва ҳимоя қилиш учун лойиҳалар.
5.	<p>VII. Кредитларни олиш учун талаблар:</p> <p>Фанга оид назарий ва услубий тушунчаларни тўла ўзлаштириш, таҳлил натижаларини тўғри акс эттира олиш, ўрганилаётган жараёнлар ҳақида мустақил мушоҳада юритиш ва жорий, оралиқ назорат</p>

	шаклларида берилган вазифа ва топшириқларни бажариш, якуний назорат бўйича ёзма ишни топшириш.
6.	<p>Асосий адабиётлар</p> <ol style="list-style-type: none"> Намозова Д.Т., Носиров Д.Т. “Мактабгача таълим муассасаларида мусиқий таълим методикаси” Кўқон: 2006 й. Шарипова Г.«Мактабгача таълим муассасаларида мусиқа ўқитиш методикаси». «Чўлпон» Т.: 2007. Режаметова Н.Ўзбек халқ чолғу асбобларини чалишни ўргатиш методикаси.- Тошкент: Низомий номидаги ТДПУ, 2014. Зимина А.Н. Основы музыкального воспитания и развития детей младшего возраста.- М., 2000 Мурадова З. Детская песня в творчестве композиторов Узбекистана. -Ташкент: Baktria press, 2015. Ливиев А.Х. —Ўзбек халқ чолғуларида ижрочилик , Т.: —Меҳнат, 2001 й. <p>Кўшимча адабиётлар</p> <ol style="list-style-type: none"> Ш.М.Мирзиёев. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбар фаолиятининг қундалик қоидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил якунлари ва 2017 йил истиқболларига бағишлиланган мажлисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи. // Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 16 январь, №11 Ш.М.Мирзиёев. Буюк келажагимизни мард ва олий жаноб халқимиз билан бирга қурамиз. Тошкент “Ўзбекистон” – 2017й. Ш.М.Мирзиёев. Эркин ва фаравон демократик Ўзбекистон давлатини биргалиқда барпо этамиз. “Ўзбекистон” НМИУ, 2016й. Ш.М.Мирзиёев. Конун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаравонлигининг гарови. “Ўзбекистон” НМИУ, 2016й. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”.Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони. 1-илова: “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”. Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 8 февраль сони ва Интернет ресурс: www.lex.uz. Ўзбекистон Республикасининг илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган Давлат талаблари.– Т.:2018 “Илк қадам” мактабгача таълим ташкилотининг давлат ўқув дастури.–

	<p>Т.:2018</p> <p>14. Вазирлар Махкамасининг 2019 йил 13 майдаги “Мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 391-сон қарори Т.:2019</p> <p>15. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълими вазирининг 2019 йил 30 августдаги “Давлат мактабгача таълим ташкилотлари педагогларининг иш хужжатлари тўғрисида”ги 155-сонли буйруғи Т.:2019</p> <p>16. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълими вазирининг 2019 йил 30 августдаги “Давлат мактабгача таълим ташкилотлари педагогларининг иш хужжатлари тўғрисида”ги 155-сонли буйруғи асосида “Давлат мактабгача таълим ташкилоти педагог ходималарининг иш хужжатларини юритиш бўйича йўриқнома” Т.:2019</p> <p>17. Қодирова Ф.Р. ва бошқ.“Мактабгача педагогика”, Тошкент, “Маънавият”, 2013, 159 бет (Ўқув қўлланма)</p> <p>18. Гогоберидзе А.Г. Теория и методика музыкального воспитания детей дошкольного возраста: А. Г. Гогоберидзе, В.А.Деркунская. — М.: Издательский центр «Академия», 2005. — 320 с</p> <p>19. Радынова О. Настроения, чувства в музыке. М;2009</p> <p>20. Зацепина М.Б. “Музыкальное воспитание в детском саду.” Москва.: “Мозайка – Синтез”, 2008.</p> <p>21. Режаметова Н.И., Уалиева Г.И., МТМ мусиқа раҳбарлари учун ЎУМ -Т.-2018.</p> <p>22. Music. Arts education teacher guidelines. Dublin 2000.</p> <p>23. Music for a world class education/ Music education strategy 2019 to 2029. South Australia 2019.</p> <p>Ахборот манбалари</p> <p>24. www.tdpu.uz</p> <p>25. www.pedagog.uz</p> <p>26. www.ziyonet.uz</p> <p>27. www.edu.uz</p>
7.	<p>Фан дастури Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг</p> <p>202 ____ йил “____” _____ даги ____ -сонли баённомаси билан маъкулланган.</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг</p> <p>202 ____ йил “____” _____ даги ____ - сонли буйруғи билан маъкулланган</p>

	фан дастурларини таянч олий таълим муассасаси томонидан тасдиқлашга розилик берилган.
8.	Фан/модуль учун масъуллар: Н.И.Режаметова- Низомий номидаги ТДПУ, “Мусиқа таълими” кафедраси мудири п.ф.ф.д. (PhD) Г.Р. Исмаилова - Низомий номидаги ТДПУ, “Мусиқа таълими” кафедраси ўқитувчisi
9.	Тақризчилар: Б.А.Азимов - Мактабгача таълим муассасалари ва мутахассис ларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакаси ошириш институти “Мактабгача таълим методикаси” кафедраси доценти, п.ф.н. А. Ж. Алланов - НукусДПИ “ Мусиқий таълим” кафедраси мудири, катта ўқитувчisi